

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ХАЙИТОВА ШАХНОЗА ДАНИЯРОВНА**

**ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ МОБИЛ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ФАОЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
on Pedagogical Sciences**

**Хайитова Шахноза Данияровна**

Талабалар мустақил таълимини мобил технологиялар асосида  
фаоллаштириш методикаси.....3

**Хайитова Шахноза Данияровна**

Методика активизации самостоятельного образования студентов  
на основе мобильных технологий.....25

**Khayitova Shakhnoza Daniyarovna**

Methods of activating students' independent education based on mobile  
technologies.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....51

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ХАЙИТОВА ШАХНОЗА ДАНИЯРОВНА**

**ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ МОБИЛ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ФАОЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022/2.PhD/Ped2440 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Жиззах политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ipitvet.uz](http://www.ipitvet.uz)) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Чориев Рузимурот Кунгратович**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Муслимов Нарзулла Алиханович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Хакимова Муҳаббат Файзиевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти**

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 246-92-17; факс: 246-90-37; e-mail: [pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz](mailto:pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz)).

Диссертация билан Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 246-92-17; факс: 246-92-17).

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.Х.Джураев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., академик

**С.Ю.Ашурова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.н., профессор

**Х.Ш.Кадиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳоннинг бир қатор етакчи олий таълим муассасаларида ўқитишнинг масофавий шаклидан фойдаланиш ва мустақил таълим имкониятларидан кенг фойдаланиб ўқитиш, интерактив дастурий воситалар, визуал моделлар, мультимедиали электрон таълим ресурслар яратиш, талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда мобил технологиялардан фойдаланишга асосий эътибор қаратилмоқда. Мобил таълим технологиялари ва воситаларини қўллашда ўқитишнинг мустақил таълим шакли муайян фан, ўқув модулининг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва шахсий фазилатларини ҳисобга олган ҳолда таълимнинг индивидуаллигини таъминлашга ҳамда талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ривожланган хориж давлатлар таълим тизимида илмий изланишлар, тадқиқот вазифалари ва йўналишларини танлашда янгича ёндашувлар, умумкасбий билимларни шакллантириш, уларни лойиҳалаш, ташкилий ҳамда функционал тарзда ўқитиш Концепциясида (Design Based Learning Conception) талабалар мустақил таълимнинг ўрни ҳамда талабаларнинг мустақил равишда таълим олишини янада фаоллаштириш асосида рақобатбардошлилик ва интегративлик сингари асосий касбий сифатларнинг назарий-амалий жиҳатларини янада ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Шу нуқтаи назардан талабаларнинг ўзини-ўзи мустақил тарбиялаш, ўзини-ўзи янада фаоллаштириш имконини берадиган дидактик шароитлар яратиш учун олий таълим ўқитувчиларининг изланишларини тақозо этади.

Республикамиз олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, ўқув жараёнига халқаро стандартларига асосланган илғор педагогик технологияларни жориш этиш борасида олиб борилаётган кенг ислоҳатлар натижасида олий таълим муассасаларида ўқитиш сифат-самарадорлиги ортиб, доимий профессионал ўсиши учун тайёр бўлган профессионал кадрларни тайёрлаш долзарбдир. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепция”сида “мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни фаоллаштиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услугий материалларни кенг жорий этиш”<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. ҚХММБ: 06/19/5847/3887-сон 09.10.2019 й. <https://lex.uz/docs/4545884>

60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодий соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги №824 сон “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизда касб-ҳунар таълимини ташкил жорий этиш, профессионал таълими ўқитувчиларининг билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда ўқув-услугий таъминотини яратиш масалалари бўйича Р.Ҳ.Джураев, Ш.Э.Қурбанов, А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, У.И.Иноятов, А.Р.Ходжабоев, Қ.Т.Олимов, Ш.С.Шарипов, Ф.М.Закирова, О.Х.Туракулов, Ж.А.Хамидов, Р.Д.Шодиев, Р.К.Чориев ва бошқа олимлар тадқиқот ишларини олиб боришган.

Республикамизнинг етакчи педагог олимларидан Н.А.Муслимов, Н.Н.Азизходжаева, О.А.Қўйсинов, С.Матжонов, Ш.Юнусова, В.И.Андрянова, П.Т.Магзумов, Б.Р.Муқимов, Ф.М.Садикова ва бошқалар мустақил таълим, талабалар мустақил таълимини ташкил этиш ва фаоллаштириш устида илмий тадқиқот ишларини амалга оширишган.

МДХ давлатларидан С.И.Архангельский, В.И.Журавлев, В.А.Кан-Калик, А.И.Кочетов, В.В.Краевский, Н.Б.Крылов, И.П.Пидкасистый, В.А.Сластенин, О.В.Акулова, Л.К.Наумова ва бошқалар мустақил ишларни бажариш ва мустақил таълимнинг ижобий хусусиятлари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Хориж мамлакатлари олимларидан талабаларда мустақил таълимни шакллантиришнинг назарий асослари А.Norman, В.Bloom, J.David, J.D.Bransford, S.Michelle, V.V.Kopylova, J.Dewey ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Юқорида келтирилган тадқиқотларда мустақил таълим олишнинг имкониятлари бўйича назарий ва амалий аҳамиятга молик айрим ёндашувлар илгари сурилган бўлса-да, профессионал таълим йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларни ўқитишда талабалар мустақил таълимини фаоллаштиришнинг дидактик шарт-шароитлари методикаси тадқиқ қилинмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқот иши Жиззах политехника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “AIF 1/4 – Касб-хунарга йўналтирилган марказ ва электроника бўйича қўшма ўқув лаборатория яратиш” (2019-2021 йй.) амалий тадқиқот мавзусидаги халқаро амалий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида талабалар мустақил таълимини мобил технологиялар асосида фаоллаштириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

талабалар мустақил таълимини ташкил этиш мазмуни, ҳолати ва уларнинг таркибий қисмларини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда касбий ривожланишда ўз-ўзини бошқариш механизми билимларни босқичма-босқич ривожлантириш, талабаларнинг касбий фаолиятга мустақил тайёрлашда мустақил таълимни фаоллаштиришнинг назарий функционал тузилмасини ишлаб чиқиш;

мустақил ўқишга имкон берувчи умумкасбий фанларни ўқитишнинг дидактик таъминоти ва амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган мобил электрон таълим ресурсларини яратиш ҳамда таълим амалиётига қўллашнинг дидактик шарт-шароитларни мазмунини аниқлаш;

талабалар мустақил таълимини мобил технологиялар ва тизимлилик, муаммолилик, касбий йўналтирилганлик тамойиллари асосида фаоллаштиришга қаратилган модели ҳамда умумкасбий фанларини ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш;

талабалар мустақил таълимини ташкил этиш методикаси бўйича баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш ҳамда олинган тадқиқот натижаларига математик-статистик ишлов бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** олий таълим муассасаларида бўлажак профессионал таълими ўқитувчиларининг мобил технологиялар асосида мустақил таълим олиш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** олий таълим муассасаларида бўлажак профессионал таълими ўқитувчиларини мобил технологиялар асосида мустақил таълим олиш жараёнини мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида диссертация мавзусига оид илмий манбалар, ўқув-дидактик материаллар, давлат таълим

стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурлари, ўқув-методик адабиётларни тизимли ўрганиш ва танқидий таҳлил қилиш; суҳбат, кузатиш, анкета, тест, моделлаштириш, эксперимент баҳолаш, педагогик тажриба-синов; тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бўлажак мутахассисларнинг касбий сифатларини ривожлантиришга қаратилган назарий функционал тузилма ва талабаларнинг касбий фаолияти компонентларининг ташкилий функциялари, касбий ривожланишда ўз-ўзини бошқариш механизми билимларни босқичма - босқич ривожлантириш ҳамда таълимнинг мунтазамлик тамойили асосида такомиллаштирилган;

мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқларни ўқув материални мустақил ўзлаштириш орқали хал этиш ҳамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажариш натижасида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган мобил ресурслар (умумкасбий ва ихтисослик фанлар мисолида) воситасида талабалар мустақил таълимни фаоллаштиришнинг дидактик шарт-шароитлари мазмуни ишлаб чиқилган;

ўқитишда муваффақиятли вазиятларни яратиш, истиқболли тизимни ташкил этиш, интернетдан фойдаланиб талабаларнинг мустақил билим олиш фаолиятини ривожлантириш асосида умумкасбий фанларни ўқитишнинг ўқув-методик таъминоти ва мобил технологиялари (QR-квест таълим, мобил сўров ва овоз бериш, мобил қидирув, мобил викторина, булутли тадқиқот, интерактив видео) тизимлилик, муаммолилик, касбий йўналтирилганлик тамойиллари асосида такомиллаштирилган;

умумий педагогик тажрибалар ва ижодий касбий топшириқларни мобил моделлаштириш асосида талабаларнинг мустақил таълим олиш даражаларини баҳолаш мезонлари (репродуктив, вариатив, ижодий) ҳодисалар, тушунчалар, далиллар орасидаги ички алоқалар, назарий қоидалар билан мустақил ишларни бажариш ўртасидаги мантикий боғлиқликларни ўрнатиш орқали оптималлаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

замонавий ахборот технология воситаларидан самарали фойдаланиш учун ўқитувчидан сезиларли меҳнат талаб қилмайдиган, ҳар қандай замонавий мобил қурилмаларда етарлича содда ва қулай бўлган илмий билимларни босқичма-босқич ривожлантиришга қаратилган “Касбий педагогика” фанидан мустақил таълимни олиббориш учун мўлжалланган мобил илова дастури ишлаб чиқилган ва таълим жараёнига жорий қилинган;

таълим мақсадига эришишни, унинг мазмунини ишлаб чиқишни, мустақил таълим олишга тайёрлаш методлари ва воситаларини таъминловчи бўлажак профессионал таълими ўқитувчиларини мустақил таълим олиш фаолиятига тайёрлаш методикасини амалга ошириш мақсадида “Касбий педагогика. Касбий психология” номли дарслик яратилган;

бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларида мустақил таълим олиш

кўникмасини шакллантириш модели ва уни амалга ошириш мақсадида “Тарбиявий ишлар методикаси” фани бўйича электрон ўқув қўлланма дастури яратилган;

бўлажак профессионал таълими ўқитувчиларида мустақил таълимни фаоллаштириш кўникмаси шаклланганлик даражасини баҳолаш мақсадида “Талабалар мустақил таълим олиш методикасини такомиллаштириш” методик қўлланма ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Олинган натижаларни ўзида акс эттирган республика ва халқаро миқёсдаги илмий-методик ва илмий-амалий анжуманлар материаллари тўпламлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси, ОАК эътироф этган махсус ва хорижий журналларда нашр этилган илмий ва илмий-методик мақолалар, тадқиқот муаммоси бўйича ўтказилган анкета сўровлари, тажриба-синов ишларининг самарадорлиги математик-статистик усуллар асосида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумқасбий фанлар, хусусан, “Касбий педагогика” фанида мобил технологиялар асосида мобил сўров ва овоз бериш, мобил қидирув, QR-квест таълим, мобил викторина, булутли тадқиқот, интерактив видео каби методлар ёрдамида умумқасбий компетенцияларни, шунингдек, ўқитишда муваффақиятли вазиятларни яратиш, истиқболли тизимни ташкил этиш, интернетдан фойдаланиб талабаларнинг мустақил билим олиш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган ўқитиш методикасининг мазмуни ва технологик асосларини такомиллаштиришда фойдаланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти талабалар мустақил таълимини ташкил этиш методикасини инновацион технологиялар асосида такомиллаштириш ва педагогик шарт-шароитларни аниқлаш ва талабалар мустақил таълимини ташкил этиш методикаси бўйича баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиш самарадорлигини ошириш бўйича назарий ва методик тавсиялар келтирилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мустақил таълим олишини фаоллаштиришнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш ва умумқасбий фанларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак мутахассисларнинг касбий сифатларини ривожлантиришга қаратилган назарий функционал тузилма ва талабаларнинг касбий фаолияти компонентларининг ташкилий функциялари, касбий ривожланишда ўз-ўзини бошқариш механизми, билимларни босқичма - босқич ривожлантириш, талабалар мустақил таълимини фаоллаштиришга оид таклифлардан профессионал таълим йўналиши ва мутахассислари бўйича малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлигининг 2022 йил 18 июлдаги 5/12-4/2-72-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар олий таълим муассасалари профессионал таълим йўналишларида ўқув жараёнини ягона ёндашув асосида ташкил этиш, олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларни ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқларни ўқув материални мустақил ўзлаштириш орқали хал этиш ҳамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажариш натижасида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган мобил ресурслар воситасида талабалар мустақил таълимини фаоллаштиришга оид методик тавсиялар ва таклифлардан Жиззах политехника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “AIF 1/4 – Касб-хунарга йўналтирилган марказ ва электроника бўйича кўшма ўқув лаборатория яратиш” (2019-2021йй.) мавзусидаги амалий тадқиқотни олиб боришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 18 июлдаги 5/12-4/2-72-сон маълумотномаси). Натижада ушбу лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган виртуал таълим технологиялари бўлажак профессионал таълими ўқитувчиларида умумкасбий компетенцияларни ривожлантиришга хизмат қилган;

ўқитишда муваффақиятли вазиятларни яратиш, истиқболли тизимни ташкил этиш, интернетдан фойдаланиб талабаларнинг мустақил билим олиш фаолиятини ривожлантириш асосида ўқув-методик таъминоти ва умумкасбий фанларини ўқитишга йўналтирилган мобил сўров ва овоз бериш, мобил қидирув, podcast, мобил викторина каби интерфаол методларни қўллаш методикаси “Касбий педагогика. Касбий психология” номли ўқув қўлланма, “Касбий педагогика. Касбий психология” номли дарслик, “Талабалар мустақил таълим олиш методикасини такомиллаштириш” номли қўлланма ва “Касбий педагогика” фани бўйича мобил илова мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 18 июлдаги 5/12-4/2-72-сон маълумотномаси). Мазкур ўқув-методик таъминот талабаларини ижодий касбий топшириқларни мобил технологиялар асосида мустақил таълим олишини фаоллаштириш учун унинг дидактик имкониятларини такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси юзасидан жами 30 дан ортиқ илмий-методик ишлар нашр этилган бўлиб, улардан “Касбий педагогика. Касбий психология” номли ўқув қўлланма, “Касбий педагогика. Касбий психология” номли дарслик, “Тарбиявий ишлар методикаси” номли электрон ўқув қўлланма ва “Касбий педагогика” фанидан 1 та мобил илова дастури, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия

қилинган илмий нашрлар орқали 8 та мақола (5 та республика ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан 2 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 139 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ҳамда зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Талабалар мустақил таълимини мобил технологиялар асосида фаоллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида умумқасбий фанларни ўқитишда мустақил таълим олишни фаоллаштиришнинг ҳозирги мавжуд ҳолати таҳлили, бу соҳада тадқиқот ишларини олиб борган педагогик олимлар тажрибаси, мустақил фаолиятининг аҳамияти, талабаларнинг мустақиллик муаммоси ва мустақил таълими, умумқасбий фанларни ўрганишда талабаларнинг мустақил фаолиятига оид илмий-методик адабиётларни таҳлил қилиш баён этилган.

Мустақил таълим таълим жараёнини ташкил этиш шакли ёки ўқитиш усули эмас. Бу талабаларнинг билиш фаолиятини маълум бир тизим оситида мақсадга мувофиқ амалга ошириш ва талабаларнинг ўқув фаолиятини фаоллаштиришнинг яна бир асосий воситасидир.

Мустақил таълим – бу билимларни эркин ўзлаштириш, тасаввурларини ривожлантириш, кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш бўйича ўқув жараёнининг аудиториядан ташқарида мустақил ҳамда автоном равишда ташкил этиш фаолиятдир.


Юқоридаги таҳлилга асосланиб, биз талабалар мустақил таълимининг қуйидаги ишчи таърифини қабул қилдик:

**Мустақил таълим** - талабаниннг ўқув фаолияти, касбий ривожланишда ўз-ўзини бошқариш механизмини шакллантиради, билвосита ўқитувчи томонидан бошқарилади, касбий компетенцияларини такомиллаштиришга, шунингдек, бўлажак мутахассиснинг касбий сифатларини ривожлантиришга хизмат қилади.

**Мустақил таълимни фаоллаштириш** – ҳозир замон талабидан келиб чиққан ҳолда мустақил таълимини фаоллаштиришда интернет воситалари

билан ишлаш, ижтимоий тармоқлар, мобил технологиялардан фойдаланиш, мобил иловаларни таълим жараёнига тадбиқ этиш орқали фаолиятни ташкил этиш демакдир.

Ҳозирги вақтда республикада олий таълим тизимини ривожланишининг ҳар бир босқичида мустақил таълимдан фойдаланиш назарияси ва амалиётини фаоллаштириш олий таълим муассасаларининг (ОТМ) ўқув ишларини такомиллаштириш аспектида амалга оширилмоқда. Тадқиқотимизда ўқув фаолиятини такомиллаштириш, шу жумладан, талабаларнинг мустақил фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ назарий тушунчаларни ишлаб чиқишда бир қанча босқичларни белгилаб олдик (1-расм).



**1-расм. Талабалар мустақил таълимини фаоллаштириш босқичлари**

Мобил таълим усуллари тизими деганда биз турли дидактик муаммоларни ечиш нуқтаи назаридан бир-бирини тўлдирадиган ва ягона технологик асосга ега бўлган мобил ва булутли технологияларни ўргатиш методикасининг мажмуини тушунамиз.


Мобил қурилмаларнинг хусусиятларидан бири уларнинг турли таркибларни (расмлар, анимация, видео ва аудио файллар, матн, 3D тасвирлар ва бошқаларни кўпайтириш қобилиятидир), курс материални тақдим этиш йўллариини такомиллаштириш имконини беради. Мобил қурилмалар ўқитувчининг таълим мазмуни ва мустақил таълимни ташкил этиш учун янги қулай имкониятларни яратади.

Талабаларнинг мустақил таълими - талабани ўқув предметига айлантирадиган билиш фаолияти, касбий ривожланишда ўз-ўзини бошқариш механизми шакллантиради, ўқитувчи томонидан билвосита назорат қилиниб, касбий билим ва тажрибаларини такомиллаштиришга ҳамда бўлажак мутахассиснинг касбий сифатларини ривожлантиришга қаратилган. Ушбу таърифда биз учун қуйидаги хусусиятлар муҳим аҳамиятга эга:

- талабаларнинг билиш фаолиятини ривожланганлиги;
- профессор-ўқитувчи томонидан талабага фаолиятига билвосита раҳбарлик қилиш;

- талабалар томонидан ўз-ўзини бошқариш механизмини шакллантириш;
- касбий билим ва кўникмаларни доимий ривожлантириб бориш;
- бўлажак мутахассиснинг касбий тажрибасини ривожлантириш;
- мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш компетенцияларини ривожлантириш.

Биз кўрсатилган умумкасбий фанларни ўрганишда талабалар мустақил таълимини фаоллаштиришнинг таркибий ва назарий функционал тузилмасини туздик. Тузилмада тўрта компонентлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос вазифани бажаради. Ҳар бир компонентни ва бажарадиган функцияларни кўриб чиқамиз (2-расм)



**2-расм. Талабаларнинг мустақил таълимни фаоллаштиришнинг назарий функционал тузилмаси**

Назарий функционал тузилма қуйидаги таркибий қисмларни аниқлайди: мотивацион ахборот, ижодийфаолият, рефлексив фаолият ва қиймат баҳоловчи. Бу компонентларнинг вазифаси хабар қилинган маълумотларни

янгилаш, воқелик билан алоқасини ўрнатиш ва уни шарҳлаш. Бу фаоллаштириш воситалари мустақил таълим асосида бажарилади. Мустақил таълимнинг турлари ва шакллари стратегик ҳамда тактик мақсадларга кўра белгиланади. Тактик мақсадлар ташқи муҳит шароитини ўзгартириш ва тизимнинг ички имкониятларини ўзгартиришга қараб ўзгариши мумкин.

Ўқув фаолиятининг алгоритмлари талабаларни мустақил таълим олишга ўргатиш технологиясининг асоси ҳисобланади. Улардан объект ёки ҳодисаларнинг муҳим хусусиятларини таҳлил қилиш, аниқлаш, таққослаш, керакли умумий ва турли хусусиятларни аниқлаш, олдиндан маълум бўлган хусусиятларни бойитиш ҳамда хулосалар чиқариш учун фойдаланиш мумкин.

Талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолияти учун дидактик воситалардан фойдаланиб, биз барча талабаларнинг янги билимларни ўзлаштиришга тайёрлашдагина эмас, балки янги назарий материални идрок этиш, билимларни мустақил ўзлаштириш, янги қоидаларни кашф этиш, таълим фаолиятини фаоллаштиришга кўмаклашишни мақсад қилдик. Бунинг учун мобил технологиялардан мустақил таълимни фаоллаштиришда кенг фойдаландик.

**Диссертациянинг иккинчи боби “Талабалар мустақил таълимни ташкил этишнинг дидактик шарт-шароитлари ва методикаси”** деб номланган бўлиб, ушбу бобда талабалар мустақил таълимни фаоллаштиришнинг дидактик шарт-шароитлари технологиялари, методларини танлаш, синаш ҳамда улардан фойдаланиш модели, интернет ресурсларидан фойдаланиш орқали талабаларнинг мустақил таълимни ташкил этиш, мустақил таълимни фаоллаштириш усуллари, мобил технологиялар ёрдамида мустақил таълимни ташкил этиш методикасини усуллари баён этилган.

Мустақил таълим жараёнида мустақил таълим воситаси ва ўқитиш шакли ҳамда илмий билим сифатида дидактик зиддият шакллари, воситалари қўйилган. Бу икки томоннинг тўлиқ бирлигига эришиш ҳар бир мустақил таълимнинг аниқ билиш вазифасини шакллантирадиган бўлса, у ҳолда ўрганиш асосан ўзининг ривожлантирувчи ва ўргатиш вазифаларини йўқотади.

ОТМ талабасининг билими фанни ўрганишни ва уни ижодий ривожлантириш йўллари бирлаштириши керак. Талаба учун билимларни оддий тушунчадан чуқурроқ моҳиятигача ўзлаштириш йўлида ижодий изланиш, билимларнинг ҳаётий муаммолар, фан, ишлаб чиқариш муаммолари ечими билан боғлиқлиги билан ажралиб туради.

Бугунги кунда таълим жараёнида замонавий талаба билимларни мустақил равишда ўзи ўрганиши керак. Ўқитувчининг роли унинг таълимотини бошқариш, яъни унинг фаолиятини рағбатлантириш, ташкил этиш, фаоллаштириш, мувофиқлаштириш ва маслаҳат беришдан иборат.

Таълим ривожланишнинг замонавий босқичида моделлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Таълим парадигмаларидаги туб ўзгаришлар натижасида


инновацион дидактик тизимларни моделлаштиришга янги талаблар пайдо бўлмоқда.

Билим даражасида, айрим шароитда талабалар томонидан аввал ўхшаш ёки қисман ўзгарган шароитда, сўнгра бутунлай янги бўлган бошқа муаммоларни ҳал қилишга муваффақиятли ўтилади. Бундан кўриниб турибдики, талаба билиш жараёнининг турли босқичларида танқидий фикрлаш, билиш ва ўқув фаолияти аста-секин ўзаро алоқадорликка, ўзаро бир-бирини тақозо этиб, уларнинг ривожланиш жараёнида нисбий бирликка эришади. Талабалар томонидан олинган билимларни билиш воситаси сифатида ҳар қандай мустақил қўллаш, турли хил аниқ ҳодисаларни тушунтириш усули, ўрганилган фаолият усулларини турли вазиятларга ўтказиш аллақачон танқидий фикрлаш жараёнини назарда тутати (3-расм)



**3-расм. Мустақил таълимни фаоллаштиришнинг дидактик шарт-шароитлари**

Умумқасбий фанларни ўрганишда талабаларнинг мустақил таълимини (4-расмда берилган) фаоллаштириш учун биз томонимиздан ишлаб чиқилган дидактик моделнинг мазмуни, объектив ва технологик қисмларини умумқасбий фанлар мисолида кўрсатиб ўтдик.



**4-расм. Талабаларнинг фаол мустақил таълим олишга тайёрлиги модели**

Кўпгина тадқиқот ишларида таъкидланишича барча моделлар қуйидаги аниқ умумий чизгиларга эга: моделлаштириладиган предметга тизимли ва тузилмали нуқтаи назардан қараш; ўрганилаётган объектга мос шажарани тасвирлаш; тадқиқот олиб бориш учун қулай бўлган даражалар мажмуасининг мавжудлиги билан баҳоланади.

Ҳар доим аниқ моделлаштириш объекти таҳлил қилингани учун, унга уни бошқа объектлардан фарқланувчи ва модел акс этган индивидуал тавсиялар хос бўлади. Ҳар қандай моделда ижод, эверистика ва ҳатто фантазия элементлари мавжуд бўлади.

Ушбу моделда талабалар мустақил таълимни фаоллаштиришнинг дидактик шарт-шароитлари ва ташкил этиш методикаси ишлаб чиқишда биз дастлаб талабалар мустақил таълим олиш турларни аниқлаштириб олдик. Улар қуйидагилардан иборат: маъруза тинглаш ва қайд қилиш, амалий ишларни бажариш, машқлар, топшириқлар бажариш, ўқув адабиётлари билан ишлаш, назорат ишларига тайёрланиш, ўз-ўзини билимини назорат қилиш, намуналар яратиш, илмий мақола, модел, тезислар тайёрлаш, реферат, курс иши ва намуналар ёзиш, мустақил таълим олишда масофали таълим тизимидан фойдаланиш, дарс таҳлили, моделлаштириш ва лойиҳалаш.

Бундан ташқари, биз томонимиздан талабалар мустақил таълимни фаоллаштиришда масофавий таълим платформалари, ижтимоий тармоқлар, мобил илова дастурлари ва мобил технология (Android, iOS, Mobile Learning, smartphones) ларидан кенг фойдаландик.

Шунингдек, талабалар мустақил таълимни фаоллаштиришнинг дидактик шарт-шароитларини ишлаб чиқишда қуйидагилардан фойдаландик:

1. Талабаларда мустақил ишлаш компетенцияларини аниқлаш;
2. Мустақил таълим ишларини фаоллаштиришга йўналтириш;
3. Мустақил таълимни фаоллаштиришда интернет билан ишлаш, ижтимоий тармоқлар ва мобил технологиялардан фойдаланиш;
4. Талабаларни мустақил таълим ишларини фаоллаштиришга, инновацион усулларда жалб этиш;
5. Мобил иловаларни таълим жараёнига тадбиқ этиш.
6. АКТ билан ишлаш.

Бу дидактик шарт-шароитларни амалга оширишда талабалар мустақил таълимни фаоллаштириш учун махсус мобил платформалар – Android, iOS, BlackBerry, HP webOS, Symbian OS ва Windows Mobileлардан фойдаландик. Шунингдек, талабалар мустақил таълимни фаоллаштиришга йўналтирилган таълим тамойиллари (илмийлик, тизимлилик, интегративлик, узлуксизлик, доминантлик, амалиётнинг устуворлиги), методлар (QR-квест таълим, мобил сўров ва овоз бериш, мобил қидирув, мобил викторина, булутли тадқиқот, интерактив видео) ва дидактик воситалар (ижтимоий тармоқлар, масофавий таълим платформалари, мобил илова дастурлари, мобил технологиялар, электрон таълим ресурслари) дан кенг фойдаланилди.

**Мобил технологияларга асосланган таълим усуллари.** Таълим

профессор-ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ўзаро таъсир жараёни сифатида таълим мазмунига киритилган, тажриба ва фаолият усуллари, тўпланган билимлар жамланмасини, шунингдек, шахнинг индивидуаллиги ва ижтимоийлашувини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Мобил қурилмаларнинг асосий хусусиятларидан бири уларнинг турли таркибларини яъни анимация, расмлар, аудио, видео файллар, 3D тасвирлар ҳамда бошқаларни кенгайтириш қобилиятидир, бу эса фан маълумотларини тақдим қилиш йўллари янада такомиллаштириш имкониятини беради. Мобил қурилмалар ўқитувчининг таълим мазмунини, уни жойлаштириш ва тарқатишни тақдим этиши учун янги имкониятлар очади.

Қуйида муҳокама қилинган мобил технологияларга асосланган таълим методларининг кўпчилигидан турли фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин. Мобил технологияларнинг дидактик имкониятларга боғлиқ мобил технологияларга асосланган замонавий таълим беришнинг имкониятлари келтирилган (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Мобил технологияларга асосланган замонавий таълим беришнинг

##### дидактик имкониятлари

<b>Мобил технологияларга асосланган замонавий таълим беришнинг дидактик имкониятлари</b>	Замонавий таълим тизими учун керак бўладиган ўқитишнинг янги усуллари амалга ошириш имконияти;
	Мобил компьютер қурилмалари ва симсиз алоқадан фойдаланишга асосланган ўқув жараёнини ташкил этиш имконияти;
	Дарсдан ташқари вақтларда ўқитувчи билан масофавий ўқитиш орқали кўшимча маълумотларга эга бўлиш имконияти;
	Янги билимларни осон ва мустақил ўзлаштириш учун кўшимча имкониятларга эга бўлиши;
	Маълумотларни аудио, аудиовизуал, тақдимот, гипермедиа ва бошқа шаклларда олиш имкониятлари;
	Интерактив тест синовлари ва векториналарида осон иштирок этиш имконияти;
	Маълумотларни осон алмашиш ва юзма-юз ишлаш имконияти
	<b>Индивидуал таълим бериш имконияти</b>
	Талабанинг жойлашувининг чекланганлиги ва ҳар хил вазиятларда мустақил таълим олиш имконияти
	Мустақил таълим сифатини яхшилаш ва топшириқларни мустақил бажариш учун қулайликлар яратиш имконияти;
	Инсон учун доимий равишда тегишли бўлган, ишончли алоқага эга ва олиб юришга қулай, ихчам рақамли кўчма қурилма орқали маълумотларни алмашиш, сақлаш, қайта ишлаш имконияти

**Мобил сўров ҳамда овоз бериш методи.** Бу метод бугунги кун таълим тизимига жуда зарур бўлиб унда талаба мобил сўров хизматидан тест кўрнишида фойдаланади. Бу усул талабалар билимини баҳолашни энг сермахсул усули ҳисобланди. Бу методнинг афзаллик томони шундан иборатки бир вақтни ўзида аудиториядаги барча талабаларнинг баҳолаш ва

улардан маълумотларни олиш имкониятини беради. Бундан ташқари ушбу метод талабаларнинг тезкор мулоҳаза юритиш, ҳар бир топшириқни аниқ вақтда тезкор ўзлаштириш каби кўникмаларини ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Ушуб методнинг асосий мақсад-- талабаларнинг аудиториядан ташқари ва мустақил таълимда олган билимларини назорат қилиш ва уларни билимини тезкор баҳолаш.

Методдан фойдаланиш учун талабаларнинг мобил қурилмаларида булутли сўров шаклларига кириш имконияти мавжудлиги, мобил илова дастури, ёки индивидуал жавоб varaқаларининг мавжуд бўлиши лозим.

Натижаларни назорат қилиш ва баҳолаш мезонлари:

- профессор-ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган баҳолаш тизими бўлиши зарур;

- талабаларнинг жавобни юборган вақтларини қайд этиш зарур;

- тест топшириқлари ва сўровнома натижаларини муҳокама қилиш керак.

**QR-КВЕСТ методи.** Бу метод талабаларнинг бўш вақти бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики уларни кўп вақтларини онлайн ўйинларга сарфлашар экан. Интернет ўйинларининг энг машҳур жанрларидан бири quest - бу компьютер ва интернетдан фойдаланиб ўйинларда иштирок этиш. Квест (инглизча “quest” - “қидириш” сўзидан олинган) - бу сюжет орқали ривожланиш учун ўйинчидан руҳий муаммоларни ҳал қилишни талаб қиладиган ўйин жанри. Ҳақиқат даражасига кўра questлар ҳақиқий ва виртуалга бўлинади. Квестлар иштирокчилари ушбу ўйин фаолиятининг жозибали томони сифатида мантиқ, диққат, ақл ривожига кўмаклашишини таъкидлайдилар. Талабалар кўпинча “Google”, “Bing” ёки “Yahoo”, “Wikipedia”, “Yandex” каби қидириш ресурсларидан фойдаланадилар. QR-квест методини қўллаш орқали талабаларнинг мустақил таълим олиши фаоллашади.

Диссертациянинг **“Мобил технологиялар асосида талабалар мустақил таълимини ташкил этиш методикаси бўйича тажриба-синов ишлари”** деб номланган учинчи бобида талабаларни мустақил таълим олиши бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш, педагогик тажриба-синов ишлари натижаларини таҳлил этиш ҳамда баҳолаш келтирилган.

Педагогик тадқиқотларни ўтказиш, тажриба-синов ишларини текшириш ва илгари сурилган гипотезанинг тўғрилигини далиллар билан чамбарчас боғлиқдир. Педагогик тажриба-синов ишлари табиатдан мураккабдир, чунки у бир-бирини тўлдирувчи ва педагогик фаразларнинг ҳақиқийлигини холисона, далилларга асосланган текширишга мўлжалланган тадқиқот усулларида фойдаланишни ўз ичига олади. Тажриба-синов ишлари пандемия муносабати билан онлайн мобил сўровнома ўтказиш орқали ташкил этилди. Бунда 2020-2021 ўқув йилидаги талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари инobatга олинди.

Тадқиқотнинг 2-жадвалда келтирилган талабаларнинг мустақил

таълимини фаоллаштиришнинг учта даражасини ва шу даражаларнинг мезон ва кўрсаткичларини ишлаб чиқади.

Биз педагогик тажриба-синов ишларини талабаларнинг умумкасбий фанларни мустақил ўзлаштириш даражасини тажриба ва назорат гуруҳларида аниқлаш ҳамда қиёсий таҳлил қилиш босқичи фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда 2019-2021 йилларда амалга оширдик. Тажриба-синов ишлари Жиззах политехника институти, Термиз давлат университети ҳамда Андижон машинасозлик институтларининг касб таълими йўналишларида ўтказилди. Педагогик тажриба – синов ишида жами 402 нафар талаба иштирок этди. Шундан 204 нафари тажриба гуруҳида, 198 нафари эса назорат гуруҳида талабалар иштирок этди.

2-жадвал

Талабаларнинг мустақил таълимини фаоллаштириш мезонлари

Мезонлар	Кўрсаткичлар
	Тавсифи
<b>Репродуктив</b> (Паст)	Тинглаш, хабардор бўлиш. Асосий теоремаларни, уларнинг хоссаларини билиши, умумий тушунчаларини билиш, оғзаки ва ёзма равишда кўпайтириш, белгиланган муҳандислик масаласини маълум алгоритмнинг тасвири ва намунага қараб ҳал қила олиши.
<b>Вариатив</b> (Ўрта)	Олинган материални тушуниш, эслаб хотирада сақлаб қолиш, кўпайтириш. Ўз-ўзини назорат қилиш. Педагог ёрдамида ёки мустақил равишда вазиятга боғлиқ ҳолда мавжуд намунага асосланган ҳолда мустақил ишлаш методларини танлай олади.
<b>Ижодий</b> (юқори)	Билимларни фаоллаштириш орқали масалалар ечишда билимлардан ижодий фойдаланиш. Муаммони мустақил равишда белгилаш ва уни ривожлантириш. Муаммони ҳал қилиш учун уларни қўллаш жараёнида илмий билиш усулларини ўзлаштириш. Ўз-ўзини кузатиш ва тузатиш ҳаракатлари. Тадқиқот фарази, мақсади, объекти ва предметини мустақил аниқлай олади. Олинган натижаларни такомиллаштириш мақсадида ўз фаолиятини таҳлил қила олади.

Ўз тадқиқотларимиз учун биз фақат талабалар мустақил таълим олиш фаолиятга тайёрлигини баҳолаш мақсадида мотивацияни белгиловчи саволлар ва тест топшириқларини танлаб олдик. Тажриба ва назорат гуруҳларидаги талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятини фаоллашганлик ҳолатини белгиловчи тажриба-синов натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3 -жадвал

Тажриба бошида ва тажриба охирида мустақил таълим олиш

фаолиятини фаоллашганлик ҳолати бўйича олинган натижалар

Даражалар	Тажриба гуруҳи (204 нафар талаба)				Назорат гуруҳи (198 нафар талаба)			
	Тажриба бошида		Тажриба охирида		Тажриба бошида		Тажриба охирида	
	Талабалар сони	%	Талабалар сони	%	Талабалар сони	%	Талабалар сони	%
<b>Паст</b>	111	54,6	74	36,3	115	58,2	101	51,1
